

Қуръони Карим дарслари (68-дарс). Суралар ва оятлар ҳақида баъзи маълумотлар



15:21 / 14.01.2020 19122

Қуръони Карим суралари тўрт қисмга бўлинади.

1. Тивол (Узун суралар).

Бу қисмдаги суралар еттита: Бақара, Оли Имрон, Нисо, Моида, Анъом, Аъроф суралари, Анфол билан Тавба биргаликда ёки бу иккисининг ўрнига Юнус сураси тивол гуруҳига киради.

2. Миъун (Юзталиқлар). Оятлари юздан зиёд ёки шунга яқин бўлган суралар.

3. Масааний (Қироати кўп такрорланадиган).

Бу қисмдаги суралар аввалги қисмдагидан кейин келади. Улар уч турдан – узун, ўртача ва қисқа суралардан иборатдир.

4. Муфассал (бўлинган суралар). Бу қисмдаги сураларнинг ораси «басмала» билан кўп бўлингани учун шундай номланган. Уларнинг узунлари «Қоф»дан «Набаъ»гача, ўртачалари «Набаъ»дан «Зуҳо»гача, қисқалари «Зуҳо»дан охиригача.

Қуръони Карим сураларининг сони 114 та.

Қуръони Каримдаги энг қисқа оят «Йа сиин» бўлиб, икки ҳарфдан иборат. Энг узун оят эса Бақара сурасидаги «дайн» («қарз олди-бердиси») оятидир.

Қуръони Карим оятлари сонининг олти минг икки юзтадан ортиқ эканига иттифоқ қилинган, ундан тепаси ҳақида ихтилоф қилинган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, оятлар адади хусусида юзага келган ихтилоф баъзи оятларни қўшиш ёки олиш билан эмас, айрим оятларни баъзилар битта оят деб қараган бўлса, бошқаси иккига бўлиб, иккита оят деб қараганидан келиб чиққан.

Қуръони Каримнинг сура ва оятларга бўлиниши уни ёдлашни осонлаштиради. Шунингдек, ўқувчига ўз дини ва шариатининг маълум бир қисмини ўрганиб бўлганини ҳис қилдиради.

«Қуръон илмлари» китобидан